

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК ИНСТИТУТИ**

З.Н.ЭСАНОВА

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИ
ЎРГАНИШ БҮЙИЧА
МАСАЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

(II ҚИСМ)

Ўқув – услугбий қўлланма

Тошкент Давлат юридик институти ўқув-услубий Кенгашининг 26.05.2005 йилдаги 9-сонли баённомаси билан нашрға тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, проф.Ш.Ш.Шораҳметов

Такризчилар: 1. “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси доценти, ю.ф.н. М.М.Мамасиддиқов
 2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси А.Ғ.Бобоқулов

Ушбу қўлланма Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанидан маъруза ва амалий машғулотларни ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб, бевосита талабаларга фуқаролик ишларини судларда кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни ўрганишда beminnat қўмакчи вазифасини ўтайди.

Сўз боши

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ва бу борадаги низоларни қонуний ва адолатли ҳал қилишда суд алоҳида ўрин эгаллайди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди. Қонунчиликка биноан, суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Кейинги вақтларда суд амалиётида фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишнинг процессуал усулларидан самарали фойдаланиш ижобий натижа бермоқда. Ушбу қўлланманинг ҳам мақсади фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларини суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан узвий боғлиқ равишда ўрганиш, унинг моддий ва процессуал ҳуқуқий асосларини амалиётда тўғри қўллай олишини таъминлашга бағишлиланган.

Қўлланма фуқаролик процессуал ҳуқуқининг маҳсус қисмига бағишлиланган бўлиб, унда тегишли мавзулар, режалар ва адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Шунингдек, қўлланмада никоҳдан ажралиш, алимент ундириш, оталикни белгилаш, меҳнат, уй-жойга оид низолар, давлат органлари, мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар, алоҳида тартибда иш юритиш, апелляция, кассация, назорат, янгидан очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш, суд ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш, Ўзбекистонда хўжалик судлари ва нотариатга оид режа ва адабиётлар рўйхати ҳамда бу борада амалиётдан олинган масалалар ўз аксини топган.

Айни пайтда ушбу қўлланма талабаларга фуқаролик процессуал қонунчилигини мукаммал ўрганишга ёрдам беради ва беминнат кўмакчи бўлади деб умид билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг судьяси
А.Ф.Бобоқулов

1-мавзу. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Режа:

1. Ўзбекистонда никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши. Ўзбекистон Конституциясида оила масалалари.
2. Мусулмон ҳуқуқида никоҳ ва оила. "Қуръони Карим" ва Ҳадисларда никоҳдан ажралиш тўғрисида. Оилавий мулк, маҳр тушунчаси.
3. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги.
4. Иш қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш ва мазмунан кўриш, эрхотинни яраштиришни келишув битимидан фарқли жиҳатлари.
5. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмуни ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.
6. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўриб ҳал қилишининг процессуал хусусиятлари.
7. Судда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.-Т.; Адолат, 1998.-304 б./13.12.2002й. 447-П сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган./

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. /Акад. Ҳ. Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида. -Т.: Адолат, 2000.-37-49 б; 80-109 б.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 11сентябрдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги 22-сонли қарори». Тўплам. –Т.: Шарқ, 1999.-127-148 б.

Шораҳметов Ш. Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуки. Дарслик. –Т.: Адолат, 2001. 260-276 б.

Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуки. Дарслик, / Профессор М. Х.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида/ -Т. ТДЮИ , 2005. -90-115; 138-152б.

Юлдашева Ш.Р. Оила ҳуқуқидан амалий машғулотлар ўтказиш учун қўлланма. –Т.: 2004.-24 б.

Бозоров С. Никоҳдан ажратиш, бу борада судда иш қўзғатишнинг хусусиятлари. // Ж. Хаёт ва қонун. 2004, №3. - Б. 49.

Антокольская М.В. Семейное право. Учебник. 2-е изд.-М. Юристъ, 2003.-С.127-135.

Антокольская М. В. Курс лекций по семейному праву. М., 1995. С.39-48; С. 52-53; С. 58-61; С. 65-69.

Белякова А. М. Вопросы советского семейного права в судебной практике. –М., 1989. С. 8-26.

Нечаева А. М. Семейное право. Курс лекций. М., 1998. С.8-91; 92-102.

- Матвеев Г.К. Советское семейное право. М., 1985. С. 42-84.
- Максимович Л. Фиктивный брак//Ж. Закон. 1997. №11 С. 73.
- Пчелинцева Л.М. Практикум по семейному праву. –М., 1998. С. 3-94.
- Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации /Отв. ред. Кузнецова И.М. –М., 1996. С.33—53; 69-85.
- Хазова О. А. Брак и развод в буржуазном Семейном праве. Сравнительно-правовой анализ. –М., 1988.

1-масала.

Миробод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогар Фахриддина Г. даъво қўзғатиб, унинг турмуш ўртоғи жавобгар Шодиев Б. бутун ҳаёти давомида уни алдаб келганлигини, аслида у ўзи ишлаб юрган жойдаги котиба аёл билан доимий бирга бўлганлигини, яқинда янги йил байрами муносабати билан уюштирилган кечада у буни исботлаганлигини, бу ҳақда у турмуш ўртоғига айтганида, "ажрашсанг ажрашавер"-деганини ва охири ўртада икки нафар фарзандлари борлигига қарамасдан ажрашишга қарор қиласланни таъкидлайди. Шунингдек, даъвогар ўз даъво аризасида никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво талаби билан биргаликда вояга етмаган фарзандларига нисбатан алимент ундириш ва ўрталаридаги молмулкни бўлиш ҳақидаги талабларни ҳам ҳал қилинишини кўрсатиб ўтади. Судга чақирилган жавобгар Шодиев Б.нинг никоҳдан ажралиш мақсади йўқлигини, юқоридаги ҳолатларнинг ҳаммаси факат шубҳа-гумонлар остида эканлигини, унинг оилани сақлаб қолиш ҳақидаги илтимосини инобатга олиб, суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво талабини рад этади.

Савол?

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Иш бўйича судья қандай қарор чиқарган?**
- 3. Иш бўйича даъво талабининг рад этилиши бошқа даъво талабларига таъсир қиласими? Улар қандай ҳал этилади?**
- 4. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг судловлилиги қандай?**
- 5. Ушбу даъво талаби юзасидан томонлар яна судга қайта мурожаат қилишга ҳақлими?**

2-масала.

А.Икромов туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогар Худоёрова Г. жавобгар Худоёров А.га нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво талаби билан мурожаат қиласди. Даъвогар ўз даъво аризасида оиласида доимий равишда эр-хотин ўртасида жанжал бўлиб туришини, навбатдаги жанжаллардан бирида жавобгар уни эшик тагига итариб юборганлигини ва натижада унинг бурнига ўртача оғир даражада шикаст етганлиги сабабли 1- шаҳар касалхонасида даволаниб чиқканлигини, ҳозирда ўз ота-онасиникида яшаб келаётганлигини, оилани

сақлаб қолиш имконияти йўқлигини кўрсатади ва ўзига етказилган заарни ундириб беришни сўрайди.

Савол?

1. Судья ишни қандай ҳал этади?
2. Даъвогарга етказилган заарни жавобгардан ундириб бериш мумкинми?
3. Ушбу ҳолат юзасидан судья томонларга ярашиш учун муҳлат беришга ҳақлими?

3-масала.

Сариосиё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогар Абдумажидова О. келини жавобгар Ҳалилова М.га нисбатан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво талаби билан мурожаат қиласди. Даъвогар ўз даъво аризасида ўғли билан келини бир ярим йил биргаликда қонуний никоҳ асосида яшаганлигини, кейин тўсатдан ўғли вафот этганлигини, унинг вафотидан сўнг шифокорлар кўп миқдорда ва кучли гиёхвандлик моддаси истеъмол қилганлиги оқибатида ўлим юз берганлиги ҳақида ташхис қўйишганлигини, ҳозирда келини ўғли вафотидан икки ойдан кейин туғилган невараси билан унинг 14 сотихли ерида қурдирган уй-жойида яшаб келишаётганлигини, ундан кейин ҳам иккита ўғли ва бир қизи борлиги учун уй-жойни ва никоҳ давомида келинга қилинган мол-мулкларни бўлиб беришини суддан сўрайди. Суд жараёнида жавобгар Ҳалилова М. ҳам даъвогарга нисбатан қарши даъво қўзғатиб, ўғли ҳаётлигига ҳақиқатда гиёхвандлик касалига чалинганлигини, улар буни никоҳдан ўтиш жараёнида яширганликларини маълум қилиб, ўрталаридағи никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳамда қайнонасини бу борада жавобгарликка тортишни сўрайди.

Савол?

1. Судья масалани қандай ҳал этади?
2. Иш бўйича процесс иштирокчиларини аниқланг.
3. Жавобгарнинг қарши даъвоси асослими?
4. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий оқибатларини кўрсатинг.

2-мавзу. Алимент ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Режа:

1. Алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунчаси ва унинг шакллари.
2. Алимент тўлашнинг ихтиёрий ва келишув шакли.
3. Алиментни суд тартибида ундириш.
4. Суд буйруғи асосида алимент ундириш тартиби.
5. Алимент ундириш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги.

6. Иш кўзгатиши. Ишда иштирок этувчи шахслар. Ишни судда кўришга тайёрлаш. Иш кўриш муддатлари ва тартиби.

7. Жавобгарнинг суд мажлисига келмаслик оқибатлари. Ишни мазмунан кўргунга қадар вақтинчалик алимент уидириш тартиби. Суднинг ҳал қилув қарори ва унинг мазмuni.

8. Суднинг ҳал қилув қарорини ижро этишининг ўзига хос хусусиятлари.

9. Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асослар. Иш бўйича суд харажатлари. Алимент мажбуриятларининг тутатилиши.

10. Алимент тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Т.: Адолат , 2001. – 276 - 284б.

Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. Дарслик Проф. М.Ҳ Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2005. -205б.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. Академик Ҳ.Р. Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида. -Т.:Адолат, 2000. –190 –279б.

Юлдашева Ш.Р. Оила ҳуқуқидан амалий машғулотлар ўтказиш учун қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2004-24б

Эсанова З.Н., Ёқубов Д.А. Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари. //Ж. Қонун ҳимоясида, 2004, №4, - Б. 36 – 38.

Антокольская М. В.Семейное право. Учебник. –2я-изд. – М.: Юристъ, 2003. С.276.

Антокольская М.К. Курс лекций по семейному праву. –М., 1995. С. 62-68; 70-71.

Пчелинцева Л. М. Семейное право России. Учебник. –М.: Норма-Инфра. 1999.С. 450-460.

Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. /Отв. ред. Кузнецова И.М. –М., 1996. С. 239-304.

Чичерова Л.Е. Ответственность алиментных обязательствах./Ж. Юрист, 2004, №6, - С.42.

1-масала.

Даъвогар Козимова А. жавобгар Козимов Т.га нисбатан мол-мулкни бўлиш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қиласди. Суд мажлисида ишни мазмунан кўриш жараёнида жавобгар Козимов Т. даъвогар билан даъво талаблари юзасидан келишув битими тузиши мумкинлигини баён этади. Шундан сўнг, даъвогар ва жавобгар ўртасида мол-мулклар аниқ тақсимланиб, алимент тўлаш ўрнига жавобгар номидаги Қушбеги даҳаси, 11- уй, 4- хонадонни боласи номига расмийлаштириб бериш ҳақида келишиб олинади ва бу ёзма келишув

битимида ўз ифодасини топади. Судья иш ҳолатларини ўрганиб, келишув битимини тасдиқлаб, келишув битими тузилганлиги муносабати билан иш юритиш тугатилганлиги ҳақида ажрим чиқаради. Орадан анча вақт ўтиб, даъвогар жавобгар устидан суд ижрочисига шикоят билан келади. У ўз шикоятида жавобгарнинг қонуний хотини уйни боланинг номига расмийлаштиришга рози бўлмаётганлигини, акс ҳолда у билан ажрашишини айтганлигини, жуда ёмон аҳволда қолганлигини, боласига ҳар ой алимент суммасини қонунда кўрсатилган миқдорда пул шаклида тўлаб боришини маълум қиласи. Даъвогар эса бунга рози бўлмаганлигини, келишув битимида фақат уй ҳақида келишиб олишганлигини, акс ҳолда яна судга қайта мурожаат қилишини кўрсатади.

Савол?

- 1.** Масала қандай ҳал этилади?
- 2.** Ушбу иш юзасидан яна судга қайта мурожаат қиласа бўладими?
- 3.** Судья низоли масалани ҳал қилишда хатоликка йўл қўйганми?
- 4.** Жавобгар қандай йўл тутиши мумкин?

2-масала.

Адвокатлик фирмасига фуқаро Ашурева С. қуидаги масала юзасидан мурожаат қиласи: “Собиқ эрим Ҳайитов А. икки нафар фарзандларим таъминоти учун суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент тўлаши лозим эди. Орадан тўққиз ой ўтишига қарамай, жавобгар томонидан ҳеч қандай ҳаракат қилинмади ва унга нисбатан суд ижрочиси ҳам ҳеч қандай чора кўра олмади. Шундан сўнг, бу ҳақда туман прокурорига мурожаат қилдим. Прокурор иш ҳолатлари билан танишиб, судга даъво қўзғатиб, жавобгарни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинишини сўради ва иш судда мазмунан кўрилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди. Лекин ҳалигача алиментдан дарак йўқ, ишлайн десам болаларим ҳали ёш ва қаровсиз”.

Савол?

- 1.** Мен қандай йўл тутишим зарур?
- 2.** Оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш алимент тўлашга чек кўя оладими?
- 3.** Юқоридаги ҳолат бўйича жавобгар жиноий жавобгарликка тортиладими?
- 4.** Жавобгардан алимент қарzlари ундириб беришга йўл қўйиладими?

3-масала.

60 ёшли Шокирова М. ФҲДЁ ва ижтимоий таъминот органлари устидан судга шикоят қилиб, шикоятда турмуш ўртоғи Самиев Ф. вафот этганлиги муносабати билан у билан икки йил давомида бирга яшаганлигини инобатга олган ҳолда бокувчисини йўқотганлик сабабли алимент тўланишини сўраб, ижтимоий таъминот органига мурожаат қилганлигини, у ердан рад жавобини олгач, ФҲДЁ органига мурожаат

қилганлигини ва у ердагилар никоҳ гувоҳномасининг йўқотилганлигига ишонмаганлигини ҳамда бу масала судга тегишли эканлигини билдирганлигини кўрсатади.

Савол?

1. Шикоят судга тааллуқлими?
2. Даъвогар вафот этган турмуш ўртоғидан алимент олишга ҳақлими?
3. Масала қандай ҳал этилади?

З-мавзу. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда куришнинг процессуал хусусиятлари.

Режа:

1. Амалдаги Оила кодекси бўйича оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни юритиш ва унинг турлари.
2. Мусулмон ҳуқуқида оталикни белгилашда "Идда" қоидасининг аҳамияти.
3. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги.
4. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни даъво қўзгатиш тартибида судда кўриш учун асослар.
5. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни алоҳида иш юритиш тартибида кўриб ҳал қилиш асослари ва тартиби.
6. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва ишни судда кўриб мазмунан ҳал қилиш.
7. Алоҳида ва даъво тартибида юритиладиган ишлар бўйича исботлаш ва далиллар.
8. Иш бўйича чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарори ва унинг ижроси.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни судда кўриш амалиёти ҳақида»ги 2001 йил 1 июндаги қарори. Пленум қарорлари тўплами. 2001. –31-36 б.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Т.: Адолат, 1998. - 304б.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига Шарҳлар. /Акад. Х.Р. Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида.–Т.: Адолат, 2000, 115- 124 б.

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи Дарслик. -Т.: Адолат; 2001. 284-294 б.

Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. Дарслик /Проф. М.Ҳ Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида./ –Т.: ТДЮИ, 2005. 205 б.

Юлдашева Ш.Р. Оила ҳуқуқидан амалий машғулотлар ўтказиш учун қўлланма –Т.: 2004, 24б.

Антокольская М.В. Семейное право. Учебник. 2-е изд. –М.: Юристъ, 2003. С. 171-193.

Хазова О.А. Установление отцовства. //Ж. Закон. 1997. №11. С. 80-84.

Эсанова З.Н. Соғлом оила-соғлом жамият таянчи. //Ж.Хаёт ва қонун.-1998.-№6. -Б. 81-85.

Эсанова З.Н. Она ва бола манфаати. //Ж.Хаёт ва қонун.-1998.-№12. -Б. 15-18.

Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш масалалари. //Ж.Қонун номи билан. -1999.-№2. -Б. 51-52.

Эсанова З.Н. Оталикни белгилашда далилнинг аҳамияти. //Ж.Хаёт ва қонун. -1999. -№9. -Б. 17-19.

Эсанова З.Н. Оталикка эътиroz билдиришнинг айрим масалалари. //Ж. Қонун номи билан. -2000. -№4. -Б. 56-57.

Эсанова З.Н. Оталикни тан олиш - исботлаш воситаси. //Ж.Хаёт ва қонун. -2003. -№3. -Б. 68-69

Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш: мазкур ишни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. //Ж.Хаёт ва қонун. -2003. -№6. -Б. 74-75.

Эсанова З.Н. Алоҳида тартибда иш юритиш нима? //Ж.Хаёт ва қонун. -2004. -№1. -Б. 60-62.

Эсанова З.Н., Якубов Д.А. Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари. //Ж.Қонун ҳимоясида. -2004. -№2. -Б. 36-38.

Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни даъво тартибда судда кўриш. Ўқув қўлланма. Т.:Янги аср авлоди, -2002.60-б.

Эсанова З.Н., Назаров Ф.И. Алоҳида тартибда иш юритиш асосида оталикни белгилаш. //Ж.Қонун ҳимоясида. -2004. -№7. -Б. 42-44.

Эсанова З.Н. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари. /Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар мавзусидаги ҳалқаро илмий конференция материаллари тўплами. -Т: ТДЮИ. -2004. -Б.138-145.

Эсанова З.Н., Якубова Д.Ш. Оталикни белгилаш институти.//Ж.Хаёт ва қонун.-2004 -№5 -Б. 63-64

Эсанова З.Н., Шомуҳамедова З.Ш. Никоҳ одатлари//Ж.Хаёт ва қонун. -2004 -№ 6.- Б.69-70.

Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари ва уларнинг ижросига доир айрим мулоҳазалар.//Ж. ”Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислоҳотлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ, -2005.-Б.28-32.

1-масала.

Даъвогар Алиева М.судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2000 йил 15 февралда туғилган қизи Солиева Фга нисбатан жавобгар Боқиев А.нинг оталигини белгилаб беришни сўрайди. Даъвогарнинг даъво аризасида кўрсатилишича, улар жавобгар билан бола туғилгунига қадар мунтазам равишда учрашиб туришганлигини, гарчи жавобгар бошқа жойда яшасада, таътил кунларида тез-тез келиб турганлигини ва хафталаб унинг олдида колиб кетганлигини ва у билан яқин алоқада бўлганлигини таъкидлайди,

лекин кейинчалик жавобгар унинг хомиладорлиги ҳақида эшитгач, ўртасидаги муносабатларга чек қўйганлигини ва ҳатто, доимий яшаган жойидан ҳам бошқа шахарга кетиб қолганлигини, ҳозирда эса унинг яшаш жойи ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигини кўрсатиб ўтади.

Даъвогар суддан жавобгарга нисбатан қидиув эълон қилинишини, уни қизининг отаси деб белгиланишини ва ундан боласининг фойдаси учун алимент ундирилишини сўрайди.

Суд даъво аризасини қабул қилишни рад этиб, оталикни белгилаш учун етарли асослар мавжуд эмаслигини, даъво асослантирилмаганлигини ва даъвогар жавобгарнинг яшаш жойи бўйича судга мурожаат қилиши лозимлигини кўрсатади.

Савол?

1. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиши тўғрими?
2. Иш бўйича жавобгарга нисбатан қидиув эълон қилиш мумкинми?
3. Оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар қанча муддатда кўриб ҳал қилинади.
4. Даъвогар ўзининг даъво талабларини асослаш учун қолган далилларни судга тақдим қилиши зарурми?

2-масала.

Қандахорова Г. оталикни тан олиш фактини белгилаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қиласди. Аризада кўрсатилишича, унинг онаси Қандахорова Т. фуқаро Осмонов К. билан 1970 йилдан 1995 йилгача, яъни фуқаро Осмонов К. вафотига қадар у билан биргаликда шаръий никоҳ асосида биргаликда яшаганлар. Уларнинг биргаликда яшаганликлари окибатида аризачи Қандахорова Г. туғилган. Фуқаро Осмонов К. умрининг охиригача ўз қарамоғида уни тарбиялаган ва таъминлаган. Даъвогар Қандахорова Г. Осмонов К. ни отаси деб топилишини унга ушбу фактни белгилаш фамилияси ва миллатини ўзгартириш учун зарур эканлигини кўрсатади.

Савол?

1. Ушбу талаб судга тааллуқлими?
2. Ушбу талаб юзасидан Қандахорова Г. ариза билан мурожаат қилиш хуқуқига эгами?
3. Судья оталик фактини белгилашда қандай далилларга асосланади?

3-масала.

Даъвогар Рахимова Г. жавобгар Рахимов О.га нисбатан оталик ёзувига эътиroz билдириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қиласди. У ўз даъво аризасида 1990 йил туғилган фарзандининг отаси унинг туғилганлик гувохномасида ёзилган шахс (жавобгар) эмаслигини, балки унинг отаси

Италия фуқароси эканлигини, лекин никоҳлари қонуний суратда бекор қилинмаганлиги сабабли болани туғилганлик гувоҳномасида жавобгарнинг номи ёзилиб қолганлигини кўрсатади.

Суд процесси жавобгарнинг иштирокисиз қўрилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси каноатлантирилмади ва бунга асос қилиб, даъво қилиш муддати узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборилганлигини кўрсатади. Даъвогарнинг шикоятига қўра, ишни қайта кўрган юқори инстанция судининг ажрими ҳал қилув қарорини қўйидаги асосларга қўра ноқонуний ва асослантирилмаган деб топади:

- 1)** судгача ва суд процесси давомида жавобгар сўроқ қилинмаган ва ишда иштирок этмаган;
- 2)** даъвогар ва жавобгар ўзаро бирга узоқ вақт яшамаганлиги сабабли гувоҳномадаги ёзув ва унга эътиroz билдириш ҳуқуқи мавжудлигини билиши мумкин бўлмаганлик ҳолатлари текширилмаган;
- 3)** даъвогар томонидан судга даъво талаблари билан мурожаат қилиш муддатининг ўтказиб юбориш сабаблари аниқланмаган.

Савол?

- 1.Юқори инстанция судининг ажрими асослими?**
- 2.Ушбу иш юзасидан даъвогар Раҳимова Г. судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгами?**

4-мавзу. Мехнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Режа:

- 1.** Мехнатга оид низоли ишларни судда кўриш тушунчаси ва турлари.
- 2.** Мехнатга оид низоли ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги. Судга тааллуқли бўлмаган меҳнат низолари. Судга тўғридан-тўғри тааллуқли меҳнат низолари.
- 3.** Мехнатга оид низоли ишларда тарафлар. Ишга тиклаш масалалари бўйича учинчи шахсларнинг судда иштирок этиш хусусиятлари.
- 4.** Мехнатга оид ишлар бўйича далиллар.
- 5.** Мехнатга оид ишларни кўриш муддатлари.
- 6.** Мехнатга оид ишлар юзасидан суднинг ҳал қилув қарори ва уни дарҳол ижро этиш учун асослар.
- 7.** Мехнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи Дарслик. -Т.: Адолат; 2001. 294-308 б.

Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ

тизими. Ўқув қўлланма. –Т.: 2005. 40-54 б.

Иноятов А. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат ҳуқуки. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002,-385 б.

Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид низоли ишларни судда кўришда учинчи шахслар иштироки. //Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000, №7, 28-32б.

Мамасиддиқов М.М Мехнат ишлари бўйича маънавий зарарни Ундирув муаммолари. //Ж. Қонун номи билан. 2001. №1

Мамасиддиқов М.М Мехнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда Ундирув. Ўқув қўлланма. –Т.: Адолат. 2001.

Мамасиддиқов М.М. Мехнат ишлари бўйича келишув битими //Ж. Қонун ҳимоясида. 2002. №5, Б 40-41.

Мамасиддиқов М.М. Мехнат ишлари бўйича судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқ. /«Ўзбекистон ёшларининг ҳуқуқий тарбиясини юксалтиришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий конференцияси материаллари. II-қисм. Самарқанд., 2002 й 24-25 май, 85-90 б.

Мамасиддиқов М.М. Мехнат ҳуқуқининг ҳимояси. "Тошкент оқшоми", 2002 йил 23 октябр.

Мамасиддиқов М.М. Маънавий зарар: у қандай ундирилади? "Инсон ва қонун". 2003 йил 25 март сони.

Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима? "Инсон ва қонун" 2003 йил 29 апрел.

Мамасиддиқов М.М. Маънавий зарар қандай ундирилади? //Ж. Ҳаёт ва қонун. 2003, №2, Б.35-36.

Мамасиддиқов М.М. Маънавий зарар миқдори. //Ж. Қонун ҳимоясида 2003, №6, Б.35-36.

Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма.-Т.: ТДЮИ. 9,6 б.т. 2004 й.

Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид низоли ишлар бўйича суд қарорларини ижро этиш хусусиятлари. //Ж. Давлат ва ҳуқуқ, 2004, №1,Б.59-61.

Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуqlари ёки низоли муаммолар ва уларни олдини олиш. //Ж. Ҳаёт ва қонун, 2004, №1, - Б. 47 – 48.

Турсунов Й. Мехнат ҳуқуки. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 1999, 1926.

Турсунов Й. Мехнат ҳуқуки. Дарслик. –Т.: Молия, 2002, 286 б.

Турсунов Й., Усмонова М. Мехнат ҳуқуки. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2001-2306.

1-масала.

Боласи 2 ёшга тўлиши муносабати билан таътилдан ишга қайтган Олимова О.га муассаса раҳбари ўзининг аввалги кредит бўлими бошлиғи лавозимини бермай, шунга тенглаштирилган лавозим деб кадрлар бўлими бошлиғи лавозимини тавсия этди. Ўз иш жойини талаб қилган Олимова О.га муассаса раҳбари унинг аввалги иш жойида ишлаётган Петрушина Е.В. яқинда ҳомиладорлик таътилига кетишини, уни ҳозир бўшата олмаслигини

таъкидлади. Орадан озгина вақт ўтмай, Петрушина Е.В. соғлиғидаги жиддий ўзгаришлар туфайли боласи муддатидан олдин туғилиб, нобуд бўлади ва натижада яна ишга қайтади. Ўз иш жойини қайта талаб қилган Олимова О.га муассаса раҳбари рад жавобини беради.

Савол?

1. Олимова О. судга мурожаат қилишга ҳақлими?
2. Мехнатга оид низолар бўйича суд процессида кимлар иштирок этадилар?
3. Юқоридаги масала бўйича меҳнат қонунчилиги нормалари бўзилганми?

2-масала.

Бир неча йиллар давомида прокуратура соҳасида ишлаган Жаҳонгиров Д. ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрганлиги учун унга етказилган зарарни ундириш юзасидан даъво талаба билан судга мурожаат қиласи. Судья даъво аризани қабул қилишни рад этиб, ушбу даъво талаби судга тааллуқли эмаслигини кўрсатади.

Савол?

1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?
2. Жаҳонгиров Д. қайси органга мурожаат қилишга ҳақли?
3. Жаҳонгиров Д. уни бўшатган орган устидан судга мансабдор шахсларнинг хатти ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилишга ҳақлими?
4. Қонунчиликда мансабдор шахсларнинг ишга тиклаш тўғрисидаги масалалари юзасидан қандай норматив ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?

3-масала.

Фуқаро Баҳодиров Б. Бекобод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига Бекобод ширкат хўжалигига нисбатан 220000 сўмлик иш ҳақини ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қиласи. Даъво аризасида кўрсатилишича, у 2000 йилнинг феврал ойидан буён иш ҳақини олмаган ва ведомостда эса ўртадаги олти ойлик иш ҳақи суммасини бошқа шахс олганлиги маълум бўлади. Даъвогар Бекобод ширкат хўжалиги касаба уюшмасига ҳам бу ҳақда мурожаат қиласи, бироқ ҳеч қанақа натижа чиқмайди. Суд ушбу даъво аризани қабул қиласи.

Савол?

1. Ушбу фуқаролик иши юзасидан судья қандай процессуал ҳаракатларни амалга оширади?
2. Ушбу иш юзасидан процесс иштирокчиларини аниқланг.

5- мавзу. Уй-жой ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Режа:

1. Уй-жой хуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар тушунчаси ва турлари.
2. Уй-жой хуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги.
3. Иш бўйича исботлаш ва далиллар
4. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва мазмунан кўриш тартиби.
5. Суднинг ҳал қилув қарори ва унинг ижро этишдаги ўзига хос жиҳатлар.
6. Уй-жой хуқуқий муносабатларини тартибга солувчи меъёрий хужжатлар.
7. Ишни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги 07.05.1993 й. Конуни.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида”ги 27.12.1996 й. Конуни.

Ўзбекистон Республикаси “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги 15.04.1999 й. Конуни.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси.-Т.: Адолат, 1999.-224б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг уй-жой кодексини амалга ошириш бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 24.01.2000й №22.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низом 2000 йил 24 январь 22-сон қарорига 2-Илова

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2001 йил 14 сентябрдаги қарори. Тўплам. 2001.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк хуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори.

1-масала.

Пардаева Д. уч фарзанди билан М.Улуғбек тумани Раҳматуллин қўчаси 128 хонадон 7-йда яшарди. Унинг вояга етган ўғли ойисининг номида бўлган уйни унинг рухсатисиз сотиб, Россияга қочиб кетди. Бу уйни сотиб олганлар Дилобардан уйдан чиқишини талаб қилишди.

Савол?

1. Бу ҳолатда шартнома ҳақиқий ҳисобланадими?

- 2.** Агар шартнома ҳақиқий бўлмаса уйни сотиб олганлар маблағи кимдан ундирилади?
- 3.** Агар шартнома ҳақиқий саналса, Пардаева Д. ва унинг фарзандлари нимага асосланиб ўз ҳукуқларини ҳимоя қилишади?

2-масала.

Каримов А. талабалик даврида бир қарияга ёрдамлашиб юрар эди. Қария ёлғиз яшагани ва ногирон бўлганлиги боис Каримов А.дан у билан яшашини сўраб вафот этгач, уйни унга қолдиришни айтди. Орадан 10 йил ўтди. Шу давр мобайнида уй ҳаражатларини ва қария қарзларини тўлади. Қария вафот этишидан олдин А.га васиятнома ёзган. Россиядаги қариянинг фарзандлари келиб уйни беришини ва васиятнома нотариал тасдиқланганлигини сабаб қилиб кўрсатади.

Савол?

1. Нотариал тасдиқланмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланадими?
2. Тарафларнинг ҳукукий ҳолатини тушунтиринг.

3-масала.

1999 йил марта Юсупов К. ўз уйини қўшнисига қараб туриш учун қолдириб, ўзи Россияга кетди. 12 йил мобайнида ундан хабар бўлмаган. Қўшниси уйга қараб, барча солиқларни тўлаб борган. Бу давр мобайнида Юсупов К.ни вафот этган деб топишди ва уйни қўшниси сотиб юборди. Юсупов К. 12 йилдан кейин келиб уйни қайтаришни талаб қилди.

Савол?

1. Бу ҳолатда уй қонуний сотилганми?
2. К.га уйни қайтариш имконияти борми?
3. Неча йил уйга ҳамма кўз ўнгидага қараганда уй сизники ҳисобланади?

4-масала.

Комилов Ю.ва Хўжаева Г. қонуний никоҳдан ўтишди. Комилов Ю. 2 йилга озодликдан маҳрум этилгач унинг номидаги уйни хотини сотиб, Комилов Ю. билан ажрашди. Бу ҳақда у хабардор қилинмаган эди. 4 йилдан кейин К. амнистия акти билан озодликка чиқди.

Савол?

1. Комилов Ю. уйнинг неча фоизини қайтариши мумкин?
2. Шартнома ҳақиқий ҳисобланадими?

6-мавзу. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-харакатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи.

2. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятлар бўйича иш юритиш тушунчаси ва унинг турлари. Шикоят қилиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар).

3. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш асослари ва тартиби

4. Иш бўйича ҳал қилув қарори чиқариш ва унинг ижроси.

5. Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятларни судда кўриш тартиби. Ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Бу туркумдаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

6. Нотариал ҳаракатларни нотўғри бажарганлик ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик устидан шикоят бериш тартиби.

7. Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишдаги нотўғриликлар устидан шикоят бериш тартиби. Бундай ишларнинг судловлилиги. Шикоятнинг мазмуни. Ишда иштирок этувчи шахслар. Шикоят юзасидан қабул қилинадиган ҳужжатлар.

8. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш хақида судга ариза бериш учун асослар ва бундай тоифадаги ишларни кўриш тартиби.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Нотариат тўғрисида”ги қонуни.

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи Дарслик. -Т.: Адолат, 2001. 306-326 б.

Дониёров М.А. Судга шикоят қилиш //Ж. Ҳаёт ва қонун 1998, №1.

Дониёров М.А. Судга шикоят қилмоқчиман. //Ж. Қонун ҳимоясида. 1999, №10.

Дониёров М.А. Мурожаат қилиш ҳуқуқи “Инсон ва қонун” 2002 йил 23 январ.

Дониёров М.А. Далолатнома-расмий ҳужжат. //Ж. Ҳаёт ва қонун 2002, №2.

Дониёров М.А. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишларни кўриш учун асослар. Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. 2004, №6, 232-237 б.

Дониёров М.А. Судга шикоят қилиш муаммолари. //Ж. Ҳаёт ва қонун №3, Б.41-42.

1-масала.

Фуқаро Хамидова М. “Бешкапа” фуқаролар йиғини раиси устидан шикоят билан Денов туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қиласди. Ўз шикоятида фуқаролик йиғини раисига нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилганлигига қарамай, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси йўқолганлиги туфайли унинг шу ерда туғилганлиги ва яшаётганлиги ҳақидаги маълумотномани бермаётганлигини, ушбу иш судга тааллукли эканлигини важ қилиб ушбу ҳаракатни амалга оширишни рад этаётганлигини билдиради.

Савол?

1. Фуқаро Хамидова М. қандай йўл тутиши керак?
2. Судга фуқаролар йиғини раиси устидан шикоят билан мурожаат қилиш мумкинми?

2-масала.

Қуйидаги ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг қайси турига мансуб:

- А) оталикка эътиroz билдириш тўғрисидаги ишлар;
- Б) ишончномани тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ишлар;
- В) корхона (ташкилот, муассаса) касаба уюшмаси раиси хатти-ҳаракатлари устидан берилган аризалар;
- Г) меросга доир гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш юзасидан нотариуснинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар;
- Д) “Иссиқсувтаяминот” корхонаси раҳбари хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар.

7-мавзу. Алоҳида тартибда иш юритиш.

Режа:

1. Алоҳида тартибда иш юритиш тушунчаси ва моҳияти.
2. Алоҳида тартибда юритиладиган ишларни даъво тартибида, шунингдек, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш, буйруқ тартибида иш юритишдан фарқи.
3. Алоҳида тартибда юритиладиган ишлар ва уларни кўриш тартиби.
4. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар. Юридик аҳамиятга эга бўлган ишларни судга тааллуклилиги ва судловлилиги.
5. Бундай ишларни судда кўришда иштирок этувчи шахслар ва иш кўриш муддати.
6. Суднинг ҳал қилув қарори. Фуқароларни қонунда белгилаб

қўйилган тартибда бедарак йўқолган деб топиш ва ўлган деб эълон қилиш. Аризанинг мазмуни, ишларнинг судловлиги. Аризани қабул қилгандан кейин суднинг ҳаракатлари. Ишда иштирок этувчи шахслар. Иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори.

7. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланган ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топилиши. Аризанинг мазмуни. Ишда иштирок этувчи шахслар. Ишнинг судловлилиги. Исботлаш асослари. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш. Иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори. Фуқарони муомалага лаёқатли деб топилиши учун асослар.

8. Мулкни эгасиз деб ҳисоблаш. Бундай ишларда иштирок этувчи шахслар. Ишнинг судловлиги. Аризанинг мазмуни. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш. Суднинг ҳал қилув қарори ва унинг ижроси.

9. Тақдим этувчига деб берилган хужжатлар йўқотилган тақдирда уларга бўлган хукуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш), аризани бериш тартиби. Аризанинг мазмуни. Ишни судда кўришга тайёрлаш ва ишни кўриш. Суднинг ҳал қилув қарори.

10. Файриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш. Ариза бериш тартиби. Ишда иштирок этувчи шахслар. Суднинг ҳал қилув қарори ва унга қўйилган талаблар.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақида”ги 1998 йил 11 – сентябрдаги Пленум қарори. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлар тўплами Т. 2 – Т.: Шарқ, 1999.

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал хуқуки. Дарслик. Т.: Адолат, 2001. С. 326 – 347;

Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. Т.: Камалак, 1996. 77 – 95 б.

Юлдашева Ш.Р. Муомалага лаёқатсиз шахслар иштирокидаги олди – сотди муносабатларининг айрим хусусиятлари. Конференция материаллари тўплами. ТДЮИ. 2004. 194 – 197 б.

Гражданский процесс. Учебник - /Под.ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. – М.: Проспект, 1998. С. 300 – 326.

Гражданский процесс. Учебник - 4 – е. изд./ Под.ред.В.В.Яркова. – М.: Бек, 2001. С. 383 – 403.

Насуллаев М.Н. Особое производство по установление фактов, имеющих юридическое значение. Автореф. дис... канд. юрид. наук.-Т., 1994. –26 б.

Кайгородов В.Д. Процессуальные особенности судебного рассмотрения дел об установлении фактов, имеющих юридическое значение. Учебное пособие. Свердловск, 1987.

Мельников А.А. Курс советского гражданского процессуального права. – Т.2. – М., 1981.

Попова Ю.А. Признание граждан безвестно отсутствующими – М., 1985

–С. 75.

Завадская Л.Н. Реализация судебных решений. Теоретические аспекты. – М., 1982.

Блажеев В.В. Особое производство по гражданским делам, связанным с изменением правового статуса гражданина. Автореф.дисс.канд. М., 1991.

Пятилетов И.М. Особенности судопроизводства по делам о признании гражданина недееспособным. М., 1984. 52 с.

Эсанова З.Н. Алоҳида тартибда иш юритиш нима? //Ж. Ҳаёт ва қонун - 2004. №2. – Б. 36 – 38.

Эсанова З.Н., Назаров Ф.И. Алоҳида тартибда иш юритиш асосида оталикни белгилаш.//Ж. Қонун ҳимоясида, -2004. №7. –Б.42-44.

1- масала.

Фуқаро Ҳолдоров М. ўзининг ота миллати тожик бўлганлиги учун она миллати ўзбек миллатини олиш мақсадида паспортига ўзгаришлар киритиш учун туман ИИБ паспорт бўлимига мурожаат қиласди. Паспорт бўлими буни рад этиб, аввал ФХДЁ органига мурожаат қилиш лозимлигини тушунтиради. ФХДЁ органи эса она миллатига ўтиш мумкин эмаслигини қўрсатиб, иш судга тааллуқлиигини маълум қиласди.

Савол?

1. Ушбу иш қайси органга тааллукли?
2. ФХДЁ органининг ваколатини айтиб ўтинг.

8-мавзу. Қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш.

Режа:

1. Қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш ва уларни текшириш институтининг моҳияти ва аҳамияти.

2. Апелляция инстанциясининг ташкил топиши ва ривожланиши. Бу институтнинг хорижий мамлакатлар қонунчилигига берилиши.

3. Апелляция тартибидаги шикоят ва протест келтириш асослари. Шикоят қилиш субъектлари. Протест келтириш хуқуқига эга бўлган субъектлар.

4. Апелляция шикоятининг ва апелляция протестининг мазмуни. Шикоят ва протестни қўрадиган судлар. Шикоятга қўшилиш хуқуки. Шикоят (протест)ни ҳаракатсиз қолдириш. Суднинг шикоят ва протестни олгандан кейинги ҳаракатлари.

5. Апелляция инстанцияси судида апелляция тартибидаги келтирилган шикоят ва протестларни қўрилиши ва унинг процессуал тартиби. Шикоят, протест юзасидан иккинчи инстанция судининг ваколатлари.

6. Апелляция инстанцияси судининг ажрими. Унинг аҳамияти ва мазмунни. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш.

Тавсия этилган адабиётлар:

Шораҳметов Ш.Ш. Апелляция суди ёхуд ҳуқуқий ҳимоя қилувчи суд босқичи. //Ж. Ҳаёт ва қонун. 2003. №5 – Б. 25 – 26.

Борисова Е.А. Апелляция в гражданском и арбитражном процессе. Учеб. пособие. М., 1997.

Симонян С. Проблемы апелляционного производства по гражданским делам. //Ж. Российская юстиция. 2001. №11. С. 39 – 41.

Борисова Е.А. Обжалование не вступивших в законную силу судебных решений в гражданском процессе. //Ж. Российская юстиция. 2003. №9,10 С. 16 – 19.

Шакирьянов Р. Апелляционное производство по гражданским делам в районном суде. //Ж. Российская юстиция. 2002. № 10. С. 39 – 41.

Ҳабибуллаев Д.Ю. Тортишувчилик тамойили.//Ж. Ҳаёт ва қонун 2004, №2.-Б.49 – 51.

Ҳабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишида бевоситалик тамойили.//Ж. Ҳаёт ва қонун, №3.

Ҳабибуллаев Д.Ю., Эсанова З.Н. Одил судлов маданияти // Ж. Ҳаёт ва қонун.2004 й.,№5 - Б.30.

1-масала.

20 ёшли Раҳмонова З.ни “Фотон” заводи маъмурияти иш берувчи ташаббусига кўра иш юритувчи котибалик лавозимидан ишдан бўшатишиди. У судга ишга тиклаш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилиб, судда унинг номидан иш юритиш ваколатини отаси Раҳмонова З.га топширди. Судда даъвогарнинг вакили бир неча марта қатнашувига қарамай, судья даъво аризани даъвогарнинг келмаганлиги туфайли кўрмасдан қолдирди ва бу ҳақда ажрим чиқарди. Ушбу ажрим устидан даъвогарнинг вакили апелляция шикояти бергандан сўнг иш юқори инстанция судида кўрилиб судга келмаган Раҳмонова З.нинг ҳаракатларини даъводан воз кечиш деб малакалаб, ушбу асосга кўра иш юритишни тугатади.

Савол?

- 1.** Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?
- 2.** Даъвогарниг вакили иш юритишга ҳақлими?
- 3.** Иш бўйича апелляция протести бериш мумкинми?

2-масала.

Биринчи инстанция судининг қуидаги ажримлари устидан апелляция шикояти бериш мумкинми?

- а)** тарафларнинг илтимосига кўра экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажрим;
- б)** даъво аризасини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги ажрим;
- в)** далилларни таъминлаш тўғрисидаги ажрим;
- г)** процессуал муддатни тиклаш тўғрисидаги ажрим;
- д)** ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим;
- е)** суд жаримасини қўллаш тўғрисидаги ажрим;
- ж)** иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажрим;
- з)** хусусий ажрим.

3-масала.

Фуқаро Убайдуллаев И.га тегишли бўлган давлат белгиси 19С 30 10 рақамли “Nexia” автомашинасини бошқариб келаётганда ҳайдовчилик гувоҳномаси ёнида бўлмаганлиги сабабли ДАН ходимлари томонидан техник ва бошқа ҳолатлар тўлиқ текширилиб, далолатнома тузилмасдан автомашина олиб қўйилган ва жарима майдончасига олиб борилган. Автомашина ўз вақтида жарима майдончасидан олиб кетилмаганлиги ва ДАН собиқ бошлиғи Н.М. ва С.А.лар автомашинани сақлаш чораларини кўрмаганликлари оқибатида автомашина очиқ ҳавода қолиб кетган. Экспертиза хulosасига кўра, автомашинага 381 минг 394 сўм микдорида зарар етказилганлиги аниқланган. Фуқаро Убайдуллаев И. судга мурожаат қилиб, вилоят йўл ҳаракати бошқармаси ходимлари томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қиласди. Суд томонидан даъвогар фойдасига вилоят ИИБ ЙХХБ ходимларидан моддий зарар учун 381394 сўм маънавий зарар учун эса 100 минг сўм ундирилган ҳамда унинг автомашинаси ва бошқа шахсий буюмлари қайтарилган. Иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори устидан туман прокурори апелляция протести келтиради.

Савол?

- 1.** Келтирилган апелляция протести тўғрими?
- 2.** Ушбу иш юзасидан апелляция протести келтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар мавжудми?
- 3.** Судьянинг чиқарган ҳал қилув қарори қонунийми?
- 4.** Иш бўйича исботлаш воситаларини таҳлил қилинг.

9-мавзу. Қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан кассация шикояти бериш ва протест келтириш.

Режа:

- 1.** Қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш ва уларни текшириш институтининг моҳияти ва аҳамияти.

- 2.** Кассация инстанциясининг ташкил топиши ва ривожланиши.
- 3.** Кассация тартибида шикоят ва протест келтириш қуқуқи. Шикоят ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар.
- 4.** Кассация шикоятининг ва кассация протестининг мазмуни.
- 5.** Суднинг шикоят ва протестни олгандан кейинги харакатлари.
- 6.** Кассация тартибида келтирилган шикоят ва протестларнинг кўрилиши ва унинг процессуал тартиби. Шикоят, протест юзасидан иккинчи инстанция судининг ваколатлари.
- 7.** Кассация инстанцияси судининг ажрими.
- 8.** Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш.

Тавсия этилган адабиётлар:

Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Т.: Адолат, 2001. С. 351 – 364;

Грицанов А.Н. Кассационное производство в советском гражданском процессе. Томск, 1980.

Проверка судебных решений в гражданском процессе. Отв.ред, С. Савицкая М.: Наука, 1989.

Лесницкая Л.Ф. Пересмотр решения суда в кассационном порядке. М., Юр. лит, 1974.

Железнова Н. Подготовка гражданских дел к рассмотрению в суде кассационной инстанции. //Ж. Российская юстиция. 2004. №5. С.19-23.

Ҳабибуллаев Д.Ю. Тортишувчилик тамойили. //Ж. Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. -Б.30-32.

1-масала.

2001 йил августда Н.Исматовнинг мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво иши М. Улуғбек туман суди томонидан кўрилади. Н.Исматовнинг вакили мол-мулкни бўлишда Н.Исматовнинг сурункали касаллиги ва дори – дармонга муҳтоҷлиги туфайли унга қўшимча имтиёзлар беришни сўрайди. Суд бу ишни кўриб, даъвони айrim ҳолатларини инобатга олиб, уч фарзанд ўртасида мол-мулк тенг бўлинди.

2005 йил сентябрда кассация шикояти Тошкент шаҳар судига берилди. Тошкент шаҳар суди бу ишни бир ярим ой ичida кўриб чиқиб, Н.Исматовни талабини қаноатлантириб, М.Улуғбек туман суди ҳал қилув қарорини қисман бекор қиласди.

Савол.

- 1.** Ишни кўриб чиқиша даъво муддати ўтиб кетмаганми?
- 2.** Ишни бир ярим ой ичida кассация иши кўриб чиқилиши тўғрими?
- 3.** Далиллар нотўғри баҳоланса, суд таркиби қандай ҳал қилинади?

10-мавзу. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари,

ажримлари ва қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида қайта кўриш.

Режа:

1. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини назорат тартибида қайта кўришнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Назорат тартибида суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари устидан протест келтириш ва уни қайта кўриш учун асослар.
3. Ишни талаб қилиб олиш, ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиш.
4. Протест келтиришга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг доираси.
5. Назорат тартибида келтирилган протестларни кўриб ҳал қилишининг процессуал тартиби.
6. Назорат инстанцияси судининг ваколатлари.
7. Назорат тартибида иш юритишнинг бошқа қайта кўриш инстанцияларидан фарқли жиҳатлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июнданги Пленум қарори.

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуки. Дарслик – Т.: Адолат, 2001; 376 – 392 б.

Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. – М.: Проспект; 2003. / Под.ред. Г.А.Жилина С. 665 – 690.

Гражданский процесс. Учебник 4 – е. изд. М: Бек, 2001. Под.ред. В.В.Яркова. 430 – 444.

Гражданский процесс. Учебник. Под.ред. В.А. Мусина. М.: Проспект, 1998. С. 349 - 359.

Трубников П.Я. Пересмотр решений в порядке судебного надзора. М., 1974.

Кац. С.Ю. Судебный надзор в гражданском судопроизводстве. М., 1980.

Мамасиддиқов М.М. Прокурор ваколати ва уни таъминлаш. // Ж. Ҳаёт ва қонун. 2004. №4, - Б. 39 – 40.

Назаров Ф.И. Мақсад – қонунийлик (прокурорни судда иштироқи хақида). //Ж. Қонун ҳимоясида, 2004, №5, - Б. 14 – 15.

Назаров Ф.И. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироқи. //Ж. Қонун ҳимоясида. 2004. №3. - Б. 19 – 20.

1-масала.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди Раёсатининг мажлиси бўлиб, Раислик этувчи вилоят судининг раиси Тогаев Х.А., Раёсат аъзолари Э.Гаффоров, Д.Тўраевлардан иборат таркибда, М.Назаровнинг котиблигида, Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг

27.02.2002 йилдаги даъвогар Термиз шаҳар хокимиятининг жавобгари М.А., М.Р. ва М.Х.га нисбатан “Тураг-жойни қаровсиз қолганлиги ва тураг жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳамда М.А.ни оила аъзолари билан уйдан чиқариш ҳақида”ги фуқаролик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарори юзасидан Сурхондарё вилоят прокурорининг назорат тартибида келтирган протести кўрилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди даъвогар Термиз шаҳар хокимининг жавобгари М.А., М.Х. ва М.Р.ларга нисбатан “Тураг-жойни қаровсиз қолганлиги ва тураг-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳамда М.А.ни оила аъзолари билан уйдан чиқариш ҳақида”ги фуқаролик ишини 2002 йил 27 феврал куни суд мажлисида кўриб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, жавобгар М.Р. Термиз шаҳар Ю.Ражабий кўчаси 24-уйни 8-хонасига нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, жавобгарлар А.М. ва Х.М.ларни низоли уйдан мажбурий тартибида чиқариш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Ушбу фуқаролик иши апелляция ва кассация инстанцияси судида кўрилмаган.

Суднинг ҳал қилув қарори юзасидан Сурхондарё вилоят прокурори томонидан вилоят суди Раёсатига назорат тартибида протест келтириб, унда суд ишни кўришда ФПКнинг 15-моддаси талабларига риоя қилмаганлигини, жавобгарларни судга чақириб сўраш чорасини кўрмасдан, уларни судга қатнашди деб сохта ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини билдириб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини рад этиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Raёsat иш бўйича вилоят судининг судьяси Д.Тўраевнинг маърузасини Сурхондарё вилоят прокурори Б.Г.Нурмуҳамедовнинг протестини қувватлаб берган фикрини тинглаб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан бошқа суд таркибида кўриш учун юборишни лозим деб топди.

Савол?

1. Назорат тартибида ишни қайта кўриш тартиби ва муддатлари қандай?
2. Назорат тартибида ишни қайта кўришдан янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўришнинг ўҳашаш ва фарқли жиҳатлари қандай?

2-масала.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясининг суд мажлиси бўлиб, раислик этувчи Н.Қурбонова, аъзолари Э.Faффоров, П.Жумакуллардан иборат таркибида, Ш.Холикованинг котиблигига, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Қурбонованинг иштирокида, Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг даъвогар А.М.нинг жавобгари А.Х., Ф.М. ва Денов тумани хокимиятига нисбатан “Туман хокимининг қарорини бекор қилиш, уйдан мажбурий тартибида чиқариш ва уйни олиб бериш ҳақида”ги ҳамда

жавобгар қарши даъвогар А.Х.нинг жавобгари А.М.га нисбатан “Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372 уйга эгалик ҳуқуқини тан олиш ва Уй-жойни олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида”ги фуқаролик иши юзасидан чиқарилган 2004 йил 23 февраль кунидаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб келтирган Денов туман прокурорининг кассация тартибида протести кўрилган.

Жавобгар қарши даъвогар А.Х.нинг жавобгари А.М.га нисбатан “Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372-уйга эгалик ҳуқуқини тан олиш ва уй-жойни олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида” қарши даъво ариза киритиб, суд мажлисида даъвогарнинг даъвосини рад этишликни, ўзининг қарши даъво аризасини қаноатлантиришни сўраган.

Жавобгар Денов туман хокимияти вакили Х.Амиркулов судда даъвогар А.М.нинг даъвосини тан олмасдан, унинг даъвосини рад этишни сўраган.

Суд ишни кўриб чиқиб, даъвогар А.М.нинг жавобгарлари Денов туман хокимияти, Ф.М. ва А.Х.ларга нисбатан “Туман хокимининг қарорини бекор қилиш, уйни олиб бериш, А.Х.ни мажбурий тартибда кўчириш ҳақида”ги даъвосини кўрмасдан қолдириш, жавобгар А.Х.нинг жавобгари А.М.га нисбатан “Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372-уйга эгалик ҳуқуқини тан олиш, оғзаки тўзилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги қарши даъвосини қаноатлантирган. Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372-уйни даъвогар А.М. жавобгар Ф.М. ва жавобгар А.Х.лар ўртасида тузилган оғзаки олди-сотди битими ҳақиқий деб ҳисобланиши ва Денов тумани БТРУБ томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳақида 2004 йил 23 февраль куни ҳал қилув қарори қабул қилган.

Савол.

1. Ишни назорат тартибида кўришда прокурор ваколатларини айтинг?
2. Ишни назорат тартибида кўриш доираси қанақа?

11-мавзу. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш.

Режа:

1. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларни қайта кўриш учун асослар.
2. Ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ишларини кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг доираси.
3. Ишни қайта кўрувчи судлар. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги аризаларни кўришнинг процессуал тартиби.
4. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайтадан кўриш тартиби.
5. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича иш кўришнинг назорат тартибида иш кўришдан фарқли жиҳатлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик – Т.: Адолат, 2001; 392 - 394б.

Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации./ Под.ред. Г.А.Жилина – М.: Проспект; 2003. С. 690 – 691.

Гражданский процесс. Учебник. / Под.ред. В.В.Яркова. 4–е. изд. М: Бек, 2001. С 446 – 450.

Гражданский процесс. Учебник. /Под.ред. В.А. Мусина. и др. М.: Проспект, 1998. С. 361 – 365.

Орлов В.В., Громов Н.А., Беланосов В.О. Место стадии рассмотрения гражданских дел по вновь открывшимся обстоятельствами в системы гражданского процесса. //Ж. Юрист 1999. №10. С. 25 – 29.

Громов Н.А. Осуществление принципов процесса в стадии пересмотра по вновь открывшимся обстоятельствами решений, определенный и постановлений вступивших в законную силу. //Ж. Арбитражный и гражданский процесс. 1999 №1. С. 16.

1-масала.

Суд фуқаро Тошева З.Р.ни фуқаро Кабишев С.В.ни маъмуриятга етказган заарни қоплаш тўғрисидаги фуқаролик иши юзасидан берган ёлғон кўрсатмаси учун жиноий жавобгарликка тортади. Ҳукм қонуний кучга киргач, Кабишев С.В. ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида судга мурожаат қиласди.

Савол?

1. Кабишев С.В.нинг талаби тўғрими?
2. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайси судга мурожаат қилиш мумкин?

2-масала.

Фуқаро Я.Н. фуқаро Я.Р.га нисбатан 2 ёшлик қизи З. ва ўзининг фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қиласди ва унинг даъвоси қаноатлантирилиб, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган. Орадан анча вақт ўтгач, жавобгар оталикка эътиroz ьилдириш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қиласди. Иш ҳолатларига кўра, боланинг Я.Р.дан туғилганлигини исботлаш учун одам ДНКси экспертизасини ўтказиш белгиланди. Ўтказилган экспертиза натижаларига кўра, боланинг отаси Я.Р. деб топилди. Шундан сўнг, Я.Р. янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайтадан кўришни сўрайди.

Савол?

1. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича судга мурожаат қилиш тартиби

қандай?

2. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича судга мурожаат қилишга муддат белгиланганми?

3-масала.

Бухоро шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогар Атаев Ш. ишга тиклаш бўйича мурожаат қилди. Суд аниқланган иш ҳолатлари бўйича ходим ишдан бўшатилганлигини исботлади. Ходим судда 32-сонли поликлиниканинг малакали врачи Шеров Н. томонидан берилган тиббий маълумотномани тақдим этди. Суд иш ҳолатларини ўрганиб чиқиб, иш берувчи ҳаракатларини ғайриқонуний деб топди ва ходимни мажбурий ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. 10 кунлик муддат ўтгач, врач Шеров Н. сохта хужжат тайёргарликда айбланиб, жиноий жавобгарликка жалб этилди. Иш берувчи Бухоро шаҳар фуқаролик ишлари судига янгидан очилган ҳолатлар бўйича ўзининг аввалги ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиши сўраб мурожаат қилди. Суд ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқиб, иш берувчининг аризасини қаноатлантирирди.

Савол?

1. Юқоридаги ҳолат ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўладими?.
2. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича прокурор иш қўзғата оладими?
3. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича иш қўриш тартиби қандай?

4-масала.

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар Ромитон туман суди уй-жойдан мажбурий кўчириш тўғрисидаги низони кўриб ҳал қилди ва даъвогар Мавлонов С. талабини қондирди. Суд чиқарган ҳал қилув қарорида суд ҳаражатларини тақсимлаш масаласи ёритиб берилмаган эди. Мазкур ҳолатда даъвогар ва жавобгар ўртасида низо келиб чиқди ва улар бу ҳақда судга мурожаат қилишди.

Савол?

1. Мазкур ҳолатда суд қандай ҳаракат қилиши керак?
2. Суд ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкинми?

12-мавзу. Суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси.

Режа:

1. Суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси фуқаролик процессининг муҳим босқичи эканлиги.
2. Ижро ишларини юритишда суднинг тутган ўрни.
3. Ижро ишларини юритишда ундирувчи, қарздор ва бошқа

шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ижрочининг ҳаракатлари.

4. Мажбурий ижро қилишга тегишли ҳужжат (акт)лар. Ижро ҳужжатларининг турлари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти. Ижро варағи ва уни бериш тартиби.

5. Ижро ҳужжатларини мажбурий ижрота бериш муддати. Бу муддатнинг узилиши ва тўхтатилиши. Суд қарорлари ва бошқа актларни ижро қилиш бўйича ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тартиби.

6. Ижро ҳужжатларини ундиришга қаратиш. Ижро ҳаракатларини юритиш вақти. Ижрони ихтиёрий бажариш учун белгиланган муддатлар. Ижро ишларини юритишни тўхтатиш ва тугатиш.

7. Ижро харажатлари. Ундиришни қарздорнинг мулкига қаратиш. Қарздорнинг мулкини аниқлаш ва уни хатлаш. Ундиришга қаратилмайдиган мулклар. Хатланган мулкни сотиш. Ундиришни учинчи шахслардаги қарздорнинг мулкига қаратиш.

8. Ундиришни иморатга қаратиш. Ундиришни иш хақи, пенсия ва стипендияга қаратиш.

9. Ундиришни фуқароларнинг жамғарма банкларидағи маблағларига қаратиш. Ундиришни бюджетда турган ташкилотларга нисбатан қаратиш ва унинг процессуал хусусиятлари. Ундирилган суммани ундирувчилар ўртасида тақсимлаш. Жавобгарнинг айрим мулкларини қайтариб бериш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорининг ижроси.

10. Алимент ундириш тўғрисидаги суд қарорларини ижро қилишнинг хусусиятлари.

11. Уй-жойдан кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарорини ижро қилиш хусусиятлари.

12. Мехнатга оид ишлар бўйича ҳал қилув қарорининг ижро қилиш хусусиятлари.

13. Суд ҳукмининг ундиришга оид қисми бўйича ижро қилиш тартиби. Ижро қилинган суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларининг қайтарма ижроси.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартағи «Судлар фаолияти, таъминотини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 120-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 октябрдаги «Ижро ишини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 358-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартағи «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида»ги 140-сонли қарори .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 май «Чет эл товарларини олиб киришни тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори.

Гражданский процесс. Учебник. 2-е изд. /Под. ред. В.А. Мусина и др. М: Проспект 1998. С. 367-387.

Гражданский процесс. Учебник. 4-е изд. /Под. ред. В.В. Яркова. –М.: Бек. 2001. С. 452-497.

Способы правового регулирования в исполнительном производстве //Ж. Юрист-2004. №4 С.53-54.

Малешин Д.Я. Арест в исполнительном производстве. //Ж. Арбитражный и гражданский процесс.-2001. №6 С.38-41.

Францифоров А.Ю. Место исполнительного производства в системе российского права. //Ж. Арбитражный и гражданский процесс.-2001. №2 С.44.

Стрельцова Е.Г. Проблемы концепции исполнительного производства //Ж. Право и экономика. -2001. №3 С. 31-34.

Закарлюка А.В., Устьянцев С.Е. Особенности рассмотрения судами споров в стадии исполнительного производства //Ж.Арбитражный и гражданский процесс.-2001. №1 С. 29-39.

Максуров А.А. Возбуждение исполнительного производства как единственное основание для принудительного исполнения //Ж. Арбитражный и гражданский процесс.-2002 №1 С.43-44.

1-масала.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига оталик ёзуви тўғрисида ўзгартиришлар киритилиши лозим эди. Даъвогар Ахмедова Ш. ҳал қилув қарори қонуний кучга кириши билан унинг нусхасини туман ижро бўлинмаси девонхонасига топширди. Орадан 6 ой ўтибдики, ушбу ҳужжат ижро этилмади. Кейинчалик у катта ижрочи қабулида бўлганида, улар ушбу ҳужжатни ижроси билан шуғулланмасликларини билдириди.

Савол?

1. Даъвогарнинг ҳаракатлари тўғрими?
2. Нима учун катта ижрочи ижрони рад этди?

2-масала.

Судга алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ижро этилмаётганлиги ҳақида ариза тушди. Суд ушбу аризани туман ижро бўлинмасига жўнатиб, тезда ҳал қилинишини сўрайди. Катта ижрочи ушбу ариза билан шуғулланиб жавобгар «Туфин» заводидан ишдан бўшаб, бошқа 2 ойга кетганлиги, ижро ва рақасини бухгалтериядагилар умуман топиб беролмаганлигини ва юқоридагилар ҳақида ҳеч ким ижро бўлинмасига хабар

қилмаганлигини аниқлайди.

Савол?

1. Даъвогарнинг судга мурожаати тўғрими?
2. Жавобгар ва бухгалтерия ходимларига нисбатан жавобгарлик масаласи борми?
3. Ижро варақасини қайта бериш мумкинми?

3-масала.

Жиноят орқасида етказилган зарарни ундириш мақсадида ҳукмнинг фуқаровий даъво қисмини қаноатлантириш ҳақидаги қарорини ижро этиш мақсадида ижро иши қўзғатилди. Жавобгарнинг аҳволига кўра, ижрочи уни вақтинча тўловгага қобилиятсиз деб топиб, ижро ишини тўхтатиб туриш ҳақида қарор чиқаради. Бундан норози бўлган даъвогар (ундирувчи) Республика ижро департаментига шикоят билан мурожаат қилиб, қарздор авваллари 1 йил ичida 300 минг сўм тўлаб турганлигини, ҳозирда ҳеч нарса тўламай қўйганлигини, ушбу қарзларини қоплаш учун у қўшимча ҳовлисини сотиб бери шини бу ҳақда ижрочига айтганда, у уйни хатламаганлигини ёzádi.

Савол? 1. Ижрочининг ҳаракатлари тўғрими?

4-масала.

Яқинда менга нисбатан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан квартира ва бошқа коммунал тўловларни 6 ойдан буён тўлай олмаганим сабабли иш сиртдан кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган экан. Суд процессига чақириш тўғрисидаги чақирув хатини олмаганман, лекин иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхасини почта орқали 10 кундан кейин олдим. Лекин бунга эътибор бермай юрдим. Орадан 20 кунлар ўтгач, суд ижрочиси келиб кўрсатилган суммани тўлаш ҳақида огоҳлантириб кетди. Мен қарамоғимда ногирон фарзандим борлигини, ўзим бозорда пишириқ сотиб кун кўришимни, яқинда бир ярим ойдан кейин катта ўғлим Россиядан келиб 228 минг сўмни тўлашини айтдим. Лекин иккинчи марта суд ижрочиси келганида уйимдаги музлатгич, тарози, кир ювиш машинамни олиб кетди. Қандай йўл тутишим керак?

Савол?

1. Суд ижрочисининг ҳаракатлари тўғрими?
2. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори тўғрими?

13-Мавзу. Ўзбекистонда хўжалик суди (хўжалик низоларини кўриш тартиби).

Режа:

1. Хўжалик судининг суд идоралари тизимида тутган ўрни ва вазифалари.
2. Хўжалик судларининг тизими.
3. Хўжалик судларига тааллуқли низолар.
4. Хўжалик низоларини қўрувчи судларнинг ваколатлари.
5. Хўжалик низоларини қўришда иштирок этувчи шахслар.
6. Хўжалик низоларини қўришда иштирок этувчи тарафларнинг хуқук ва бурчлари. Хўжалик ишларини қўзғатиш тартиби.
7. Хўжалик судларида далиллар. Ишни кўришга тайёrlаш. Биринчи инстанция судларида иш қўриш тартиби.
8. Суд буйруғи бериш учун асослар ва унинг аҳамияти.
9. Суд харажатлари. Процессуал муддатларнинг аҳамияти.
10. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарори ва ажрими. Уларнинг мазмуни ва чиқариш тартиби. Ҳал қилув қароридаги камчиликларни тузатиш. Хўжалик судининг чиқарган ҳал қилув қарорини қонуний ва асослилигини текшириш.
11. Хўжалик судларида апелляция, кассация ва назорат тартибida қўришнинг хусусиятлари.
12. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарори ижроси.

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартағи “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноҷорлиги ва шартнома мажбуриятининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигининг кучайтириш тўғрисида”ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартағи 103 – сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунини “Хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айrim масалалари ҳақида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 1999 йил 5 февралдаги 77-сонли “Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари Пленумларининг 2002 йил 28 апрелдаги 84 – сонли “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори.

Абдусаломов М. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари. –Т.: Шарқ 1998, -356.

Абдусаломов М., Рўзиназаров Ш. Назорат тартибida қонун меъёрларини қўллашнинг айrim процессуал жиҳатлари. //Ж. Хўжалик ва

хукуқ. 2000. №6.

Абдусаломов М., Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик шартномалари. – Т.: Консаутинформ, 2002.

Азимов М.К. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар. (Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар) //Ж. Хўжалик ва хукуқ. – 1999 №1.

Аҳмонов Н. Синдоров К. Қишлоқ хўжалик соҳасидаги шартномаларни бўзганлик учун жавобгарлик (Назария ва амалиёт) -Т.: 2003 –97б.

Бурхонхўжаева Х. Хўжалик низоларини ҳал қилиш хўжалик судлари фаолиятининг асоси. /Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислоҳотлари. Конф.материаллари. Тўплам 2005йил 30 март. 32-37б.

Бурхонхўжаева Х. Хўжалик процессуал хукуки. Услубий қўлланма. 2003. 2,5б.т ТДЮИ.

Бурхонхўжаева Х. Хўжалик процессуал хукуки. (схемаларда) Ўкув қўлланма. 2003. 11б.т.

Отахонов Ф.Х. Хозяйственное процессуальное право. /Учебное пособие. –Т., 2003, 264б.

Рўзиназаров Ш.Н. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома муносабатлари. //Ж. Хўжалик ва хукуқ. 1999 №5.

Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари. //Ж. Хўжалик ва хукуқ 2000 №12.

Рўзиев Р.Ж. Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари. //Ж. Хўжалик ва хукуқ. 1999 №8.

Синдаров К., Турдибоев Ҳ. Тадбиркорлик шартномалари. – Т.: 2002.

Тадбиркорлик хукуки. /Умумий қисм/ Масъул мухаррир: Проф Ш. Рўзиназаров, 2002 -Т.: Консаудитинформ. 672б.

Тадбиркорлик хукуки. / Махсус қисм. Дарслик. –Т.: 2002.

Насриев И. Хорижий мамлакатлар арбитраж судлари қарорларини Ўзбекистонда тан олиниши ва ижро этилиши тўғрисида. //Ж. Хўжалик ва хукуқ. 1997 №8-9.

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал хукуки. Дарслик. Масъул мухаррир Абдусаломов М.Э. – Т.: Адабиёт жамғармаси 2001. – 200 б.

Шораҳметов Ш.Ш. Хўжалик процессида бошқа шахсларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. //Ж. Хўжалик ва хукуқ. 2001. №5.

Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал хукуки. Маъсул мухаррир: Абдусаломов. М.Э. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. –2006.

Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-хукукий жавобгарлик муаммолари. Автореф. док. дисс.- Т.: 2002.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар. –Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 2003. 1,5б.т

Гражданский процесс. Учебник. 4-е изд. Отв. ред. Проф.. В.В. Ярков. –

М.: Бек, 2001. С.542-555.

Гражданский процесс. Учебник. /Под. ред. В.А. Мусина, Н.А. Чечиной, Д.М. Чечота. 2-е изд. –М.: Проспект, 1998. С 389-413.

1-масала.

Даъвогар «Тошисиқлиқкувати» ИЧБ жавобгар –ХТ «Рихсиева М.Т.» га нисбатан Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда тарафлар ўртасида тузилган 2-9556-сонли шартномага асосан даъвогар томонидан етказиб берилган иссиқлик энергияси учун 2005 йилнинг январь ойи ҳолатида жами бўлиб **32.574,22** сўм қарз бўлиб қолгани ва шу қарзларни ундириш учун унинг ҳисоб рақамига инкасса тўлов топшириқномалари қуилганига қарамасдан тўловлар унга келиб тушмагани сабабли асосий қарз ва шартноманинг 5.4-бандига асосан тўланмаган қарзнинг кунига 0.4% микдорида, яъни **5946,76** сўмни ундириб беришни сўраган.

Даъвогар вакили судда даъво талабларини қувватлади ва уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгарга ишни судда кўриш куни, вақти ва жойи ҳақидаги суд ажрими етказилсада, жавобгар вакили судга келмади ва суд унинг иштирокисиз ишни кўришни лозим топди.

Суд даъвогар вакилининг судда берган баёнотларини эшитиб, иш материалларини таҳлил қилиб ва баҳолаб даъвони тўла қаноатлантиришни ва суд харажатларини жавобгардан ундириш лозим топди.

Савол?

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўгрими?**
- 2. Ишнинг судловлигини белгиланг.**
- 3. Иш бўйича жалб қилинадиган далилларни кўрсатинг.**
- 4. Ишни сиртдан кўришга йўл қўйиладими?**

2-масала.

Даъвогар «Андижонкабель» КК АЖ жавобгар- «Жиззахнур» ИЧБга Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда тарафлар ўртасида **21.04.2003** йилда тўзилган 187-Т-сонли шартномага асосан даъвогар **2.844.909** сўмлик кабель ўтказгичларини етказиб берган, аммо жавобгар шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармагани сабабли, 62909 сўм қарз бўлиб қолган, ундан ташқари тарафлар ўртасида **01.05.2003** йилда имзоланган 38.000 сўмлик 90 куни ичидаги қайтарилиши лозим бўлган тарафа маҳсулот етказиб берган, бироқ ушбу тара ҳам даъвогарга қайтарилмаган. Шу сабабли даъвогар жавобгардан асосий қарз, шартноманинг 6.2-бандига асосан тўловларни кечиктирғани учун кунига **0.5%**, лекин

асосий қарзнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган суммадан, яъни 114.000 сўм жаримани ундириб беришни сўраган.

Даъвогар вакили судда даъво талабларини қаноатлантиришни сўради.

Жавобгарга ишни судда кўриш қуни, вақти ва жойи ҳақидаги суд ажрими лозим даражада бўлсада, жавобгар вакили судга келмади ва суд унинг иштирокисиз ишни кўришни лозим топди.

Савол?

- 1. Ишнинг таалуқлилиги ва судловлилигини белгиланг.**
- 2. Хўжалик судларида ишларни апелляция тартибида кўриш тартибини тушунтиринг.**

3-масала.

Даъвогар вилоят хўжалик судига даъво арзаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2003 йил 25 февралдаги келишув битимини тасдиқлашни сўраган. Даъвогар Термиз туманидаги Б.З. якка тартибдаги тадбиркорлак билан Термиз туман Зангқурилиш МҚЖ ўртасида 2003 йил 25 февралда ўзаро келишув битими тузилган. Хўжалик суди томонидан ушбу хўжалик иши 2003 йил 30 майда ҳал қилув қарори ва 2003 йил 1 июлда ижро варақаси берилган.

Савол?

- 1.Ишнинг давоми қандай кечади?**
- 2. Иш бўйича ижро ишини тугатиш мумкинми?**
- 3. Келишув битимини тасдиқла тўрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят (протест) келтириш мумкинми?**

14-мавзу: Ўзбекистонда нотариат (нотариал ҳаракатлар).

Режа:

- 1. Нотариат тушунчаси ва унинг вазифалари.**
- 2. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва унинг моҳияти.**
- 3. Нотариал идораларнинг тузилиши ва уларнинг ваколатлари.**
Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг хуқуqlари.
- 4. Нотариал ҳаракатлар юзасидан низолашиш.**
- 5. Айрим турдаги нотариал ҳаракатларни бажариш қоидалари.**
- 6. Низосиз хуқуqlарни гувоҳлантириш бўйича нотариал ҳаракатлар.**
- 7. Эр хотиннинг умумий мулкидаги бўлган ҳиссага эгалик хуқуқини белгилаш тўғрисида гувоҳнома бериш.**
- 8. Меросга бўлган хукуқ ҳақида гувоҳнома бериш.**
- 9. Ижро хатлари тушунчаси ва уни ёзиш тартиби.**

10. Ижро хатларининг мазмуни. Ижро хатларининг хуқуқий кучи. Фактларни гувоҳлантириш бўйича нотариал ҳаракатлар.

11. Битимларни тасдиқлаш (шартномалар, васиятномалар, ишонч қоғозлари).

12. Даилилларни таъминлаш. Ҳужжатларни сақлаш билан ҳимоя қилинадиган нотариал ҳаракатлар. Мерос мулкини сақлаш чоралари.

Тавсия этилган адабиётлар:

Шораҳметов Ш. Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал хуқуки. –Т.: Адолат, 2001. –465-493 б.

Ҳамидов Ф., Тоғаев С. Ўзбекистонда нотариат /А.К. Тўхташевнинг умумий таҳрири остида. Амалий қўлланма. –Т.: Адолат, 1998.-363 б.

Гражданский процесс. Учебник. 4-е изд. /Отв. ред. В.В. Ярков. –М.: Бек, 2001. С. 561-572.

Гражданский процесс. Учебник. 2-е изд. /Под. ред. В.А. Мусина, Н.А. Чечиной, Д.М. Чечота. –М.:Проспект, 1998. С. 427-451.

Султонова Т. Нотариус устидан судга шикоят қилиш //Ж.Ҳаёт ва қонун 2000 йил №8 Б.92-95.

Султонова Т. Гаров шартномаларига риоя қиласликнинг хуқуқий оқибатлари //Ж.Адвокат 2001.

Султонова Т. Судларда нотариал ҳаракатларнинг бекор бўлишига қаратилган айрим асослар. //Ж.Адвокат.-2002. №3 Б 12-15.

1-масала.

Ўз-ўзини бошқариш органларига қўйидаги ҳаракатларни нотариал тасдиқланишини сўраб мурожаат қилишади:

- 1). Олий ўқув юртини битирганлик ҳақидаги диплом нусхасини ҳақиқийлигини тасдиқлаш ҳақида.
- 2). Меросни расмийлаштириш ҳақида.
- 3). Ерни бўлиш ҳақида ариза билан.
- 4). Фуқарони ўша жойда яшаётганлик фактини тасдиқлаш ҳақида.

Савол?

1. Ушбу нотариал ҳаракатлар ушбу орган ваколатига тегишлими?
2. Нотариуснинг хуқуқий мақомини гапириб беринг
3. Нотариал ҳаракатлар учун давлат божи олинадими?
4. Бу борада фуқароларга имтиёзлар белгиланганми?

2-масала

70 ёшли Богдасарян К. ўлими олдидан нотариусни ўз уйига чақириб, уйини шу пайтгача унга қараб келган қўшниси Солихова Ф. га мерос тариқасида қолдиришини айтди ва орадан 20 кун ўтар- ўтмас, ҳужжатлар тайёр бўлгунча, кампир вафот этади. Унинг вафотидан

сўнг нотариус уйни Солиҳова Ф.га расмийлаштириб беради. Орадан 6 ой ўтгач, унинг синглиси Коратеева С. Грузиядан келиб уй унга ўтишини, опасининг ўғлини у тарбиялаганлигини, ҳозирда у вафот этганлигини айтади.

Савол?

1. Нотариуснинг ҳаракатлари тўғрими?
2. Солиҳова Ф. нима қилиши керак?
3. Коратеева С.нинг эътиrozлари тўғрими?

3-масала.

Машина олди-сотдиси билан шуғулланаётган фуқаро Ҳайдаров А. билан Холдаров М.нинг нотариал ҳаракатлари ҳақидаги талабини нотариус рад этади. Ушбу машиналар ҳужжатлари сохта эканлигини, бу ҳақда прокурорга маълум қилиниши шартлигини, ҳужжатларни ҳукуқий экспертизадан ўтказиш кераклигини айтиб ҳужжатларни бермайди.

Савол?

1. Нотариуснинг ҳаракатлари тўғрими?
2. Агар юқоридаги шахслардан бири хорижий давлат фуқароси бўлсанчи?
3. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун бунда қатъий муддат белгиланганми?

15-мавзу: Буйруқ тартибида иш юритиш. Суд буйруғи.

Режа:

1. Буйруқ тартибида иш юритиш тушунчаси ва аҳамияти.
2. Буйруқ тартибида иш қўзғатиш.
3. Суд буйруғини бериш асослари ва тартиби.
4. Суд буйруғини бекор қилиш.
5. Суд буйруғини ижро этиш.
6. Суд буйруғини бошқа суд қарорларидан фарқи.

Тавсия этилган адабиётлар:

Мамасиддиқов М.М. Суд буйруғи институти. “Инсон ва қонун”. 2004 йил 14 декабрь.

Гражданский процесс. Учебник. 2-е изд. / Под. ред. В.А. Мусина, Н.А. Чечиной, Д.М. Чечота –М.: Проспект, 1998. –С. 273-281.

Гражданский процесс. Учебник. 4-е изд. /Отв. ред. В.В. Ярков. –М.: Бек, 2001. –С.262-273.

1-масала

Сурхондарё вилояти хўжалик судида кўриб чиқилган мавжуд қарзларни ундириш тўғрисидаги талаб юзасидан кредитор Музрабод туман Ҳалқабод кўрғони Ш.Рашидов кўчаси 3 – уйда жойлашган Музрабод туман Давлат Солиқ инспекцияси, қарздор Музрабод туман Қўнғирот ФХУда жойлашган “Панжиев Шерали” мол – мулки ҳисобидан Музрабод туман ДСИ фойдасига 654.005 сўм асосий қарз, 90.869 сўм устама (пеня), жами: 744.885 /етти юз қирқ тўрт минг саккиз юз саксон беш сўм, Музрабод туман суд ижро чилари бўлинмаси орқали ундирилсин.

Савол

- 1. Суд буйруғи ижро кучига эгами?**
- 2. Уни ижро этиш қанча муддатда амалга оширилади?**
- 3. Суд буйругини қанча вақтда ижрога топшириш мумкин?**

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорлари рўйхати:

Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги 5-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 май ўзгартириш ва күшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1992 йил 19 июнданги «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсини химоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисидаги 5пл – 92-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 май ва 1998 йил 11 сентябрдаги қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидағи хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги 5-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги ва 2002 йил 14 июнданги 11-сонли қарорлари билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларга бўлган хуқуқларни тиклаш (чақириб иш юргизиш) ҳақидаги аризаларнинг судлар томонидан кўрилиши тўғрисида»ги 5-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 май, 1998 йил 11 сентябрдаги қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

Олий суд Пленумининг 1993 йил 16 апрелдаги «Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги 5-13-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14июнданги 11-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 майдаги “Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-харакатлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 18-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли қарори ва 2002 йил 14 июнданги 11-сонли қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ва жиноят ишлари юзасидан суд чиқимларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 42-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июнданги 11-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11

сентябрдаги қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 13-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 12-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли ва 2002 йил 25 октябрдаги 28-сонли, 2003йил 19 декабрдаги 20-сонли, 2004 йил 24 сентябрдаги 15-сонли қарорларига билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11сентябрдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни қўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 22-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлик бўлган низоларни ҳал қилиш ҳақида»ги 23-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Фуқаролик ишларини судда қўришга тайёрлаш ва уларни қўриш муддатлари тўғрисида»ги 18-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айrim масалалар тўғрисида»ги 16-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий заарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айrim масалалар тўғрисида»ги 7-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 33-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Олий суд Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибida қўриш амалиёти ҳақида»ги 2-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 28-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 2004 йил 21 майдаги 5-сонли қарори билан апелляция инстанцияси судида ишларни қўриш амалиётига тааллуқли тушунтиришлари

қисми ўз кучини йўқотган)

Олий суд Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида»ги 6-сонли қарори.

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Мехнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 18-сонли қарори;

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айrim нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 19-сонли қарори.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги 5-сонли қарори.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан бөглиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарори.

МУНДАРИЖА

1. Сўз боши	3
2. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.....	4
3. Алимент ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.....	6
4. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.....	9
5. Мехнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.....	12
6. Уй-жой ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.....	14
7. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш.....	16
8. Алоҳида тартибда иш юритиш.....	18
9. Қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш.....	20
10. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида қайта кўриш.....	22
11. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш.....	23
12. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш.....	26
13. Суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси.....	28
14. Ўзбекистонда хўжалик суди (хўжалик низоларини кўриш тартиби).....	31
15. Ўзбекистонда нотариат (нотариал ҳаракатлар).....	35
16. Буйруқ тартибида иш юритиш. Суд буйруғи.	37
17. Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорлари рўйхати.....	39